

Муаммо


NeWater лойиҳасининг асосий принципи дарё ҳавзасида сув ресурсларини бошқаришнинг амалдаги кенг тарқалган режимларидан келажакда унинг мослашувчан яъни адаптив режимига ўтиш заруриятига таянади. Бу ўтиш сув ресурсларини юқори даражада интеграллаштирилган бошқариш концепциясини талаб этади. NeWater лойиҳаси томонидан амалдаги сув ресурсларини бошқариш тизимнинг қўйидаги асосий элементлари ўрганилди: идора қилиш, секторлараро интеграция, сув ресурсларини интеграллаштирилган бошқариш (СРИБ)да таҳлил масштаблари, информациони бошқариш, инфратузилма, ҳаражат ва таваккалчиликни камайтириш. Тадқиқотлар предмети мазкур элементларнинг адаптив СРИБига ўтиш жараёнларидан иборатdir. Интеграллаштирилган таҳлил ва сув ресурсларини бошқаришдаги босқичма-босқич ўзгариш жараёнларини енгиллаштирувчи концепция ва воситаларни яратиш - NeWater лойиҳаси доирасидаги илмий фаолиятларнинг асосини ташкил этади.

Лойиҳанинг вазифалари

NeWater лойиҳасининг асосий мақсади сув ресурсларини интеграллаштирилган холда бошқариш учун адаптив стратегияларга кириладиган ўзгаришларни ўрганиш ва уларни

бошқариш эди. Мазкур стратегиялар дарё ҳавзасининг институционал, маданий, экологик ҳамда технологик ҳусусиятлари билан боғланган бўлиб ҳар ҳавзанинг ўзига хос социал-иқтисодий жиҳатлари ва мослашиш имкониятларини эътиборда тутади. NeWater лойиҳасининг вазифаларидан бири адаптив режимга ўтиш жараёнидан сув ресурсларини бошқаришни идора қилиш, манфаатдор томонларнинг иштироки ва маконда режалаштириш каби асосий омилларни таҳлил қилишни енгиллаштирувчи "Интеграллашган бошқарув ва ўтиш тармоғ"ини ишлаб чиқишдан иборат эди. Асосий принцип еттита танланган дарё ҳавзаларида сув ресурсларини адаптив бошқариш бўйича янги билимлар ва воситаларни биргаликда яратиш ва кўллашдан иборат эди.

NeWater лойиҳаси тадқиқотлар олиб борган ҳавзалар:



Шунингдек NeWater лойиҳаси Европада сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар кўламини ривожлантириш ва Европа Ҳамжамияти сув ташабbusлари ҳамда сув директиваларини жорий этишни қўллаб қувватлаш мақсадида диалоглар ва публикациялар орқали тажриба ва инновацияларни алмашишни амалга ошириди.

Методология

Сув ресурсларини бошқариш амалиёти ҳамда тематик тадқиқотларнинг ютуклари ва воситалар яратиш фаолиятларини ўзаро боғлаш мақсадида еттита дарё (Амударё, Элба, Гуадина, Нил, Оранж, Рейн ва Тисза) ҳавзаси тадқиқот обьектлари сифатида танланган эди. Илмий ҳамкорлар ва бошқа экспертлар билан олиб борилган ҳамкорликлар доирасидв манфаатдор томонларнинг максад ва эҳтёjlари синчковлик билан эътиборга олинди.

Натижалар

NeWater лойиҳаси доирасида 200 дан ортик натижаларга эришилди. Барча оммавий натижалар билан лойиҳанинг веб варакаси орқали танишиш мумкин. Натижаларнинг синтези қўйидаги 12 та маҳсулот сифатида шаклланди:

1. Бир неча ҳавзалар бўйича бошқарув ва ўрганиш жараёнларини ҳамда тизимни ифодаловчи ва умумий маълумотлар базасини ўз ичига олган "Бошқарув ва ўтиш тармоғи" прототипи
2. Сув ресурсларини адаптив бошқариш жараёнидан турли ноаниқликлар шароиларида кўлланиладиган тадбирлар бўйича йўриқнома
3. Ноаниқликлар, манфаатдор томонларнинг иштироки, глобал (иқлим) ўзгариши каби долзарб масалалар ечимини енгиллаштиришга йўналтирилган NeWater лойиҳаси натижалари мажмуаси

(давоми кейинги бетда)

Натижалар (давоми):

- 4.** Иқлим ўзгаришига нисбатан қўлланиладиган турли стратегияларини ёритувчи ва улар бўйича йўриқнома берувчи «иқлим ва сув адаптацияси» китоби
- 5.** Иқлим ўзгариши моделларининг энг сўнгги натижаларига асосланган сув ресурслари сценарияларини баҳолаш.
- 6.** Иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда турли миңтақалараро адаптация стратегияларни қиёслаш
- 7.** Динамик ноаниқлик ва адаптация имкониятни таҳлил қилиш имконини берувчи жараёнларининг ифодаланиши
- 8.** «Ecology & Society» Интернет журналининг илмий тадқиқотлар ва бошқарувда иштирок услубларининг турли туманлигини кўрсатувчи иштирокка бағишланган маҳсус сони. (<http://www.ecologyandsociety.org/>).
- 9.** Сув ресурсларини адаптив бошқаришнинг афзаллуклари, натижалари ҳамда адаптив бошқаришга ўтишдан олинган сабоқларни тушинтирувчи маҳсус «Сув ресурсларини адаптив бошқариш» қўлланмаси.
- 10.** NeWater лойиҳасининг асосий натижаларидан фойдаланиш учун қўшимча имконият яратиш мақсадида NeWater портали алоҳида компонент сифатида WISE-RTD (<http://wise-rtt.info/>)Интернет портали таркибига киритилди.
- 11.** Сув бошқаруви бўйича ўқитиш потенциалини ривожлантириш мақсадида мазкур соҳа ўқитувчилари учун мўлжалланган маҳсус ўқув материаллари мужассамлаштирилган компакт диск (CD).
- 12.** Дарё ҳавзасини адаптив бошқариш масалалари бўйича ўқитишга ёрдам сифатида

академик соҳа вакилларига мўлжалланган
Интернет асосидаги ўқув дастури
(<http://www.newatereducation.nl/>).

ойиха консорциуми

Оsnabrюк университети қошидаги Экологик тизимларни ўрганиш институти

Алтерра – Вагенинген университети ва илмий маркази CEX Валлингфорд

Семагреф

Даниянинг геологик хизмати

ХР Валлингфорд Лтд.

Тадбижий тизим таҳлили ҳалқаро институти

Стокгольм экология институти – Охфорд бўлими

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Кассел университети қошидаги экологик тизимлар тадқиқот институти

Католик университети Леувен, муассаса ва персонал психология маркази

Гранфильд университети

Эколоҗик

Миоан университети/Е.Маттхеи фонди

Маастрихт университети. Ҳалқаро интегратив марказ

ФА Гидродинамика институти

Табиий ресурслар институти

Миллий тадқиқотлар бюроси. Сув муаммолари институти

Солдадура ва Куалидаде институти

Табиатни сақлаш ҳалқаро бирлашма (Ҳалқаро ННТ)

Манчестер метрополитен университети

Макс Планк метеорология институти

Медицина ва биотехника миллий илмий маркази

Иқлим ўзгаришини ўрганиш Подстам институти

Дельф техника университети

Сув ресурсларини бошқариш ва оқава сувларни тозалаш институти

СИКОН

Масарик сув муаммолари институти

Мадрид институти

Экологик тадқиқотлар институти, Лейпциг/Халле

Лима университети

Экссетер университети

Мадрид политехника университети

Твенте университети

Амстердам Вриж университети – Экологик тадқиқотлар институти

Вагенинген университети

Тараққиёт тадқиқотлари маркази, Бонн

Испания геологик хизмати¹

Оксфорд университети



Ноаниқлиқлар шароитида сув ресурсларини адаптив бошқаришга янги ёндашувлар



ЕХ 6-илмий дастури доирасидаги интеграллаштирилган лойиҳа

2005 – 2009

Project Coordinator:

Prof. Dr. Pahl-Wostl, Institute of Environmental System Research; University of Osnabrueck, Germany

